

## **ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИНИНГ БАДИЙ ТИЛИ ХУСУСИДА**

**Раҳмонов Баҳодир Мамажонович**

филология фанлари доктори, профессор

Андижон давлат университети Филология факультети декани

Ўзбек эпосшунослигида эпик услуб ва эпоснинг бадий тили масалаларини ўрганиш XX асрнинг 40-йилларида бошланган эди. Академик В.М.Жирмунский ва профессор Ҳ.Т.Зарифовларнинг “Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси” номли монографияси бунинг ёрқин далили бўла олади [2.45]. Муаллифлар ўзбек халқ достонларидаги тасвир ва баёнда кенг қўлланиладиган типик ўринлар, асар зачинлари, шеъринг парчалардаги эпик формулавийлик, шунингдек, эпитет ва ўхшатишларнинг муайян вазифаларда истифода этилишини кенг таҳлил қиладилар. Улар халқ эпосининг тили ва услуби кейинги даврларда бадий ижод амалиётида, хусусан, замонавий воқеаларни акс эттиришга бағишланган достонларда қай даражада истифода этилиши, аниқроғи, халқ эпосининг яратилиш жараёнини давом эттиришда уларнинг роли каби масалалар ҳақида ҳеч нарса демайдилар. Ҳолбуки, халқ эпосининг жонли анъаналарини давом эттиришда бадий тил ва услуб масалалари белгиловчи аҳамиятга эга.

Ўзбек халқ достонларининг тили масаласи махсус илмий тадқиқотларга ҳам объект бўлди. Жумладан, 1949 йилда Ш.Шоабдураҳмонов “Равшан” достонининг бадий тили ҳақида” мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади [4]. Шундан кейин у айна шу достоннинг тил хусусиятлари ҳақида қатор мақолалар эълон қилди [5. 173-179]. Олим тадқиқ этган барча достонлари тилидаги архаик, тарихий лексика, диалектизмлар, сўзнинг маъно хусусиятлари ва поэтик фонетика масалаларини ўрганди.

Халқ достонлари тили масалаларини ўрганишда марҳум тилшунос А.Ишаевнинг ҳам хизматлари беқиёс. Унинг мақолаларида архаик ва тарихий, шунингдек, ўзбек шеваларига мансуб кўпгина сўзлар этимологиясини аниқлаш, бунда қардош туркий тилларга қиёсий ўрганишнинг аҳамияти, сўз шакллариининг қисқариши, достонлардаги айрим сўзларнинг морфологик табиати, бошқа тиллардан ўтиб ўзлашган сўзларнинг тутган ўрни, уларнинг ғоявий-бадий вазифалари атрофлича ёритилган [3. 173-179].

Ўзбек халқ достонларининг бадий тилига оид илмий ишлар билан танишиш шуни кўрсатадики, ушбу масалага қўл урган олимларнинг барчаси эпос тилининг соф лингвистик масалалари билан шуғулланганлар. Улар достонлар лексикаси, морфологияси, фонетикаси ва синтаксиси, шунингдек, айрим сўзларнинг этимологик таҳлили доирасида мулоҳаза юритганлар. Ўз-

Ўзидан маълум бўладики, халқ эпоси тили ва унинг ўзига хослиги нималарда кўзга ташланади, унинг ҳозирги ўзбек бадиий тили учун фойдали жиҳатлари борми, айниқса, замонавий халқ дostonчилигининг давомийлигини таъминлашда қай даражада аҳамиятга эгаллигига доир қатор муҳим концептуал муаммолар лингвистлар диққат-эътиборидан четда қолган. Зотан, бундай масалалар фақат тилшунослар эмас, балки биринчи навбатда эпосшуносларнинг вазифаси ҳисобланади. Чунки эпоснинг тарихий таракқиёт масалалари, ана шу жараёнда анъанавий эпос тил бойлиги ва бадиий тасвир услубининг тутган ўрни масалалари фольклоршунослик зиммасида туради.

Анъанавий эпоснинг бадиий тилини умумий тавсиф этишда реал воқеликни эпик идеаллаштириш, муболағавийлик, шартлилик, ситуативлик асосида қайта яратишдан иборат эпик онг фаолияти сифатида олиб қарашга [1.30-31], шу асосда қайта баҳолашга ҳаракат қиламиз.

Ўзбек халқ анъанавий эпосининг бадиий тилига хос етакчи хусусиятлардан бири архаик мифологик тасаввурлар ҳамда феодал ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тартиботлари билан шартланганлигида кўзга ташланади. Шу боис дев, бало, аждар каби мифологик кучларга қарши турувчи эпик баҳодирлар тасвирида муболағавийлик, идеалликни таъминловчи лексик қатлам вужудга келган. Эпос қаҳрамонларига нисбатан қўлланилган алп, ғуччоқ (жасур), паризот, пари, арслон каби сўзлар эпитет ва метафоралардир. Бундан ташқари, эпос тилида “қойим” (ўнғай), “қаллоч” (камбағал), “лаловлаш” (қичқиритиш), “жонсиз” (жосус), “даримоқ” (хужум қилмоқ), “кундал” (зарбофт мато), “қабла” (карвон), “липопа” (хатдон), “кўлбар” (халта) каби сўзлар кўп учрайдики, улар ҳозирги адабий ва бадиий тилда ишлатилмайди ва фақат анъанавий эпос лексикасига хосдирлар.

Анъанавий халқ дostonлари тилининг муайян тарихий муҳит, шарт-шароит билан боғлиқлиги уларда тасвирланган воқеалар, турли ижтимоий табақаларга оид шахсларнинг мансаби, унвони ҳамда ҳар хил нарсаларнинг номланишида ҳам намоён бўлади. Бундай тарихий лексик қатлам фақат анъанавий халқ эпосидагина сақланиб қолган. Масалан: бек, султон, сипоҳ, лашкар, байдоқ, баковул, ясовул, хировул, қалқон, ёй, найза, қаландар, дарвеш каби тарихий сўзлар ўзлари ифодалаган нарса ва тушунчалар билан биргаликда унутилди.

Юқоридагилардан маълум бўладики, халқ эпосининг тасвир объекти бугунги реал воқеликка мутлақо мос келмай қолган. Чунки давр билан бирга одамларнинг дунёқараши ва бадиий тафаккур тарзи ўзгарди. Эндиликда анъанавий эпос лексикасидаги архаик ва тарихий қатлам кундалик ҳаёт истеъмолидан тушиб қолди. Демак, халқ эпоси бугунги реал воқеликни акс эттириши учун архаик ва тарихий мифологик ва этнографик лексикадан

кечиши лозим. Аммо бу асло мумкин эмас! Негаки, анъанавий лексикасиз анъанавий эпоснинг ўзи ҳам бўлмайди. Архаик, тарихий ва мифологик лексик қатлам, турган гапки, замондошларимиз маънавий-эстетик эҳтиёжини қондира олмайди.

### **Адабиётлар**

1.Азбелев С.Н. Историзм былин и специфика фольклора. - Л.: Наука. 1982. - С.30-31.

2.Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский героический эпос. - М., 1959. - С. 45.

3.Ишаев А. Достонлар тилининг баъзи бир хусусиятлари. // Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни. Тошкент, Фан. 1971. -Б.173-179;

4.Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” достонининг бадий тили ҳақида. Номзодлик диссертацияси. Тошкент. 1949.

5.Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” достонида бадий фонетика элементлари. // “Ўзбек халқ ижоди” тўплами. Тошкент.:Фан. 1967.